

Ғарб давлатлари томонидан Россия ва Беларуссия давлатига нисбатан  
киритилган санкцияларга доир

ҚЎЛЛАНМА

№	Савол	Жавоб
2	ФАТФ қандай ташкилот?	ФАТФ - Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш (ЖФОДЛ/ТМ/О) соҳасида жаҳон стандартларини ишлаб чиқадиган ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланади. Шунингдек, ЖФОДЛТМ соҳасида миллий тизимларининг ушбу стандартларга мувофиқлигини баҳолайди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1617-сонли резолюциясига (2005 й.) мувофиқ ФАТФнинг 40 та тавсиялари БМТга аъзо давлатлар томонидан амалга оширилиши учун мажбурий халқаро стандартлар ҳисобланади. ФАТФнинг биринчи қирқ тавсияси 1990 йилда ишлаб чиқилган.
3	ОҒАС қандай ташкилот?	АҚШ Молия вазирлигининг хорижий активларни назорат қилиш бошқармаси (ОҒАС) молиявий разведка билан шуғулланади ва АҚШ миллий хавфсизлиги ва ташқи сиёсат мақсадларини қўллаб-қувватлаш учун иқтисодий ва савдо санкцияларини ишлаб чиқади.
4	ОҒАС томонидан Россия ва Беларуссия резидентларига нисбатан қандай санкциялар киритилган?	2022 йил 24 феврал куни АҚШ, Европа Иттифоқи, Буюк Британия ва бир қатор бошқа давлатлар томонидан Россия ва Беларуссия давлати банкларига ва уларнинг шўъба корхоналари, юқори мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзолари ва бошқа молиявий ташкилотларга нисбатан санкция эълон қилинди.

5	Санкция чоралари кимларга нисбатан қўлланиши мумкин?	Санкция чоралари Банкларга, юридик мижозларга ва уларнинг таъсисчиларига ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин.
6	ОФАС томонидан тақиқловчи SDN рўйхат нима?	АҚШ фуқароларига SDN (черный список) рўйхатга киритилган жисмоний ва юридик шахслар ва уларнинг таъсисчилари, банклар ва бошқа молия ташкилотлари билан хар қандай муносабатга кириш тақиқланади.
7	ОФАС томонидан тақиқловчи SDN рўйхатга киритилган шахсларни қандай аниқлаш мумкин?	АҚШ Молия вазирлигининг хорижий активларни назорат қилиш бошқармаси (ОФАС) расмий сайти <a href="https://sanctionssearch.ofac.treas.gov">https://sanctionssearch.ofac.treas.gov</a> , <a href="https://www.treasury.gov/ofac/downloads/sdn.xml">https://www.treasury.gov/ofac/downloads/sdn.xml</a> Европа иттифоқи расмий сайти <a href="https://sanctionsmap.eu/#/main">https://sanctionsmap.eu/#/main</a> , Буюк Британия томонидан қўлланилган санкцияларни аниқлаш учун <a href="https://dilisense.com/en">https://dilisense.com/en</a> сайти орқали текшириш мумкин.
8	Россиялик юридик шахслар ва уларнинг бенефициарларига нисбатан санкция қўлланилганлигини қандай аниқлаш мумкин?	Россия Федерацияси Солиқ хизмати расмий сайти <a href="https://egrul.nalog.ru/index.html">https://egrul.nalog.ru/index.html</a> орқали лозим даражада текшириш мумкин.
9	Санкция киритилган шахслар тўғрисида тўлиқ маълумотни қаердан олиш мумкин?	Банкнинг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш хизмати томонидан АҚШ Молия вазирлигининг хорижий активларни назорат қилиш бошқармаси (ОФАС), Европа иттифоқи расмий сайти, Буюк Британия давлатининг расмий сайтлари орқали санкция рўйхати доимий равишда янгиланиб, <b>exсел файл</b> кўринишида банкнинг барча ҲКХКМ/КХКМга тақдим қилиб борилмоқда.